

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

○ Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов республика ёш олимлари билан учрашди. Унда мустоқил Ўзбекистон иқтисодий ва илмий-технологик инновацияларини шиллаб чиқишда ёш олимларнинг иштироки ҳақида гап борди. Республика ёш олимларининг жамоатчилик ташкилотини тузиш масаласи ҳам кўтарилди.

○ Кеча Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулқошим Муталов расмийда Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг бажарилишини амалга ошириш бўйича комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда қатор вилотларда бу Қонун бажарилишининг ҳоли муҳокама этилди.

○ Мустоқил Давлатлар Ҳамдўстлиги Журналистлар уюшмаси конфедерацияси маҳаллий журналистлар уюшмалари тақдирларига асосан журналистика соҳасидаги 1991 йилги энг яхши иш учун ижодий талов ёшларини чиқарди. Конфедерация муқофотига сазовор бўлганлар орасида ҳозир «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномаси бош муҳаррири вазифасини бажарётган Анвар Жўрабоев ҳам бор.

○ Футбол. Ўзбекистон миллий биринчилиги. «Темир-йўлчи» (Қўқон) — «Пахтакор» — 0:0.

УЙ ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛанаДИ

ТОШКЕНТ қурилиш бош бoшқармасига қарашли йирик ҳажмли-блокли тажриба уй-созлик комбинати ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз ишчиларини уй-жой билан таъминлашга катта эътибор бермоқда. Корхона ўтган йили шу мақсадда Сергели районининг «Строитель» маҳалласида бир неча турар жой биноси қуриб фойдаланишга топширилган эди. Натижанда бирлашманинг 300 дан ортиқ ишчи ва хизматчилари уй-жой билан таъминланди.

Комбинат бу йил ҳам бу хайрли ишни давом эттирмоқда. Айни пайтда шаҳримизнинг Абдулла Қаҳҳор кўчасида 4 бўлимдан иборат бинода қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишни Тошкент қурилиш бош бoшқармасига қарашли 11-балад уйлари қуриш трести 75-қурилиш бошқармасининг Анатолий Головцев етакчилиги қилаётган қурувчилар бригадаси амалга оширишмоқда.


Ҳозир 266 оилага мўлжалланган мазкур уйнинг иккита бўлимида қурилиш-тиклаш ишлари тугалланиб, пурозлаш ишлари бошланиб кетди. Бу ишни трестнинг 28-қурилиш бошқармаси пурозловчилари бажармоқдалар. Бинони шу йилнинг охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ.



УРТА. Оснэ электр аппаратлари илимий ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-дех йиғувчиси Нея Гамидова (юқоридаги суратда) бирлашманинг фидойиларидан биридир. Ундаги юқорида тасвирланган суратда янги линия акс этган. Пастдаги суратда эса 3-дех тоқари Маҳмуджон Охунгановни қўриб турибсиз.

Андрей Пинненко суратлари.



Қа хом ашёлар масаласи ҳақида хал қилинмай келинган. Ҳозир биргина Кува-сой заводи ишлаб чиқараётган шиша идишларига корхонани таъминлаб турибди. Бу ҳам жуда ҳам миқдорда. Тўғри, бирлашма «Келгу-сида» иш яхши бўлиб кетар» деган кайфиятда «хотиржам-лича берилаётган йўл. Қо-зири кунда корхонада са-завот ва бошқа мевалар ёр-тушса, яъни сут қорвачили-гимизда кўпайса, ишоним-мумкин, сут идишлари ма-салалари ҳам ҳал бўлиб қо-ларди. Энг асосийи кенг қамровли, замонавий техно-логияга, иختисослашган мах-сус лабораторияларга, тажриба-ли мутахассисларга эгамиз. Бироқ бир нарсани ҳамма тушунишини истардим: сут ва сутли маҳсулотлар би-ринчи навбатда бoча, бола-лар уйи, мактаб ва шифо-хоналардаги болаларга юбори-лади.

Директорнинг куонгаича бор. Батъан давлат, жамоа, фермер хўжалиқлари, сутдан ўзлари маҳсулот ишлаб чи-қаришга киришяптилар. Аслидаку, бу ташаббус яхши. Бироқ уларни амалга оши-риш учун катта маблағ, замона-вий технология керак бў-лади. Юқорида айтилгандек сут — нозик озуқа. Кенг миқёсда технологияга, мах-сус лабораторияларга, мута-хассисларга эга бўлмаган хў-жалиқларда қандай қилиб сут ва сутли маҳсулотларини зарарсизлаштириш ва улар-ни аҳолига, айнаса болалар-га бериш мумкин? Бу худди боаор иқтисодийи даври — фан-техника тараққий этаёт-ган бир даврда дехқон ул-кан-улкан ун тегирмонларини менсимай галласини бир йи-чиқ тегирмонда янчишга ў-чиш бари ҳодиса. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир қоп буг-дойни оддий, қўлбола тегир-монда янчиш учун бир ки-шига озунча вақт, куч кета-дими?

Шуниёқ қизини, юқори-даги корхоналар нега сут турларини қўлайтирапти? Масалан, қорвачилининг от, кўй, эчки каён сермахсул шундай жониворлари бoри, уларнинг ҳам сутини қайта ишлаш мумкин. Бунинг учун корхона мутахассислари ҳам чет эл корхоналарининг фао-лиятлари, тажриба ва усул-дарини ўрганишлари, улаш-тиришлари керак.

Зояр ТУРСУНОВ.

ҲАМДУСТЛИКДА

○ Санкт-Петербург депутатларининг кўпчилиги шаҳар мэри Анатолий Собчакка ишонсизлик билдирди. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши Россия Президенти ва Конституциявий судга уни шаҳар мэри лавозимига қолишининг мақсада мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳақида муурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

○ «Интерфакс»нинг маълум қилишича, Россия ҳукумати расисининг ўринбосари Сергей Шайраёв истеъфога чиқиш тўғрисида ариза берди.

○ Грознида Чечен Республикаси Президенти Жохар Дудаев билан унга қарши турган кучлар ўртасида курулпи тўқнашулар содир бўлди. Кеча кечқурун республика миллий гвардияси ҳозирги тузумга қарши турганлар эгаллаб олган радиотўзел ва телестудияни штурм билан қўлга олганликлари маълум қилинади. Бу штурмда граната отувчи куруллардан ҳам фойдаланилган.

○ Кеча Кремлда Россия федератив шартномаси имзола-нишининг тантанали маросими бўлиб ўтди. Татаристон ва Чечен Республикалардан бошқа барча мухториятлар уш-бу шартномани имзоладилар.

○ Душанбе шаҳрида бир ҳафтадан бери оппозициядаги кучлар томонидан уюштирилган митинг давом этапти. Унинг қатнашчилари республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятини истеъфога чиқариш тўғрисида Олий Кенгаш раёсати қарорига нозилик билдирмоқдалар.

○ Нижний Новгород шаҳри аҳолисида шахсий иморат қуриш, дехқончилик ва богдорчилик билан шуғулланиш учун ер майдони ажратиш учун аризалар қабул қилина бошланди. Шаҳар яқин атрофидаги бу ер майдонининг ҳар сотихи учун 100 сўмдан 1800 сўмгача пул тўлаш керак бў-лади.

○ Россия Марказий банки бошлигининг ўринбосари Вячеслав Соловонинг маълум қилишича, ҳозир ойига 56 миллиард сўм пул босилапти. Бироқ, пул қамомати бу-гунги кунга келиб 10 миллиард сўмга етган.

ХОРИЖДА

○ Литва Бош вазири Вагнорюс аҳолига иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлаб бўлинмагунча қадар ҳукумат аъзолари ва давлат хизматдаги бошқа ходимларга маош бермас-лик тўғрисида фермойиш берди.

○ Япония ташқи ишлар вазири Митино Ватанабунинг ай-тишича, Россия билан «цимолий ҳудудлар» муаммоси яқин беш-олти ой ичда — Россия Президенти Борис Ельциннинг Японияга расмий сафаридан илгари ҳал эти-лиши керак.

○ Ливия раҳбари Муаммар Казофи 1988 йилда пор-тлатилган самолёти можораси бўйича иш юзасида ўз давлати нуктан назарини баён этиш учун АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашиш ва тегишли ҳужжатларни унга тақдим этишга тайёргилини маълум қилди. Маълумки, худди ана шу самолёт портлашида Ливиянинг қўли борлиги тахмин қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти унга қарши жа-зо чоралари қўллашни мўлжаллапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОАҚНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш янги тизимини шакллантириш, уларни рес-публика ижтимоий-иқтисод-дий, сиёсий ва маънавий тараққиётининг эътибор муаммоларини ҳал қилишга йўналтириш, илмий-тадқи-қотлар ва ишлашларини давлат йўли билан экспе-ртиза қилишни таъминлаш ҳамда илмий ва илмий-пе-дагог жамоатчилигининг тақ-лифларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республика-сининг Вазирлар маҳка-маси ҳузурида Олий атте-стация комиссияси (Ўзе-бекистон Республикаси ОАҚ) ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республи-касининг Олий аттестация комиссияси аъзосида ку-йидаги асосий вазифалар-ни ҳал қилиш юклатилсин:

— ривожланган хоризий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, юқори мала-кали илмий ва илмий-педа-гог кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини ишлаб чи-қиш ва жорий этиш;

— юқори малакали ил-мий ва илмий-педагог кадр-ларни давлат йўли билан аттестациядан ўтказишнинг халқаро талабларига мос келадиган ва бериладиган динломларнинг ҳамма жой-да ўттишини таъминлашга-ти тизимини шаклланти-риш;

— илмий ходимлар иختи-сосларининг малака хусу-сийатларига инсбатан талаб-ларни ҳамда илмий дара-жалар ва илмий унвонлар-ни бериш тартибни тўғри-сидаги низомни ишлаб чи-қиш;

— фан ва техниканинг энг янги йўналишлари бў-йича илмий ва илмий-педа-гог кадрлар тайёрлашни ривожлантиришда Ўзебеки-стон Республикаси Фан ва техника давлат қомитети

билан биргалликда иштирок этиш;

— илмий даражалар бе-рувчи иختисослаштирилган кенгашларни ва илмий ун-вонлар берувчи кенгашлар-ни тузиш (тузатиш)га ва рўйхатдан ўтказишга оид тақлифларни тайёрлаш ҳам-да Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар маҳкамаси-га тақдим этиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиб туриш;

— аттестация тизимини такомиллаштириш, қўшма иختисослаштирилган ва экс-перт кенгашларини ташкил этиш, аттестация ҳужжат-ларини ўзаро тан олиш тўғрисида битимлар тузиш ва халқаро маълумотлар банкларидан фойдаланиш юзасида халқаро ҳамкор-лигини йўлга қўйиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузу-ридаги Олий аттестация комиссияси ўз ваколати до-расида қабул қилган қарор-лар Фанлар академияси, тармоқ академиялари, вази-рликлар, идоралар, ўқув юрталари, илмий ташкилот-лар ва муассасалар кимга бўйсунушидан қатъи на-зар, улар учун мажбурий-дир.

4. Илмий даражалар ҳам-да унвонлар берувчи иختи-сослаштирилган ва илмий кенгашларнинг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комис-сиясида кенгашлар қайта рўйхатдан ўтказилгунча қа-дар ҳужжатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни тўхтатиб туринлар.

5. Ўзбекистон Республи-касининг Вазирлар маҳка-маси бир ой муддат ичида Олий аттестация комисси-ясининг фаолиятини ташкил этиш масалаларига доир қа-рорини қабул қилиб, комис-сия тузилмасини ва унинг тўғрисидаги низомни тасдиқ-ласин.

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 31 март.

СУТ ва сутли маҳсулотлар инсоннинг, шу жумладан, кичикнинг фарзандларининг энг танлие неъматлари ҳисобланади. Биргина унинг ўзидан ширин-ширин қай-моқлар, оғизда мумдай эрий-диган сумалар, нордон-чу-чук пишлоқлар, хушбўй ва ёқимли сарнилар ва ҳатто инсон соғиниши тиклаш учун кизмат қиладиган зар-добил ичимликлар тайёрла-нади. Шунинг учун сут чи-қитиш маҳсулотлар сирасига кирди. Демак, ундан тўғри ва оқилона фойдаланиш ке-рак.

Тошкент вилоти ва шаҳ-ри аҳолисини сут ва сутли маҳсулотлар билан таъмин-лашга мўлжалланган Тошкент вилоти аграрноати комите-тининг сут корхоналари бир-лашмаси ана шундай муш-кул ва ўта мураккаб вази-фаларни ўз зиммасига олган ташкилот ҳисобланади.

Яқинда кизмат тақосси билан бирлашма директори Нуриддин Муҳитдинов билан учрашдик. Бироқ сўзоб та-вомида шу нарса маълум бўлдики, бирлашма ҳозирда иқтисодий жиҳатдан жуда танг ҳолатда экан.

Илгарилари бирлашма Украина, Беларусь, Россия Федерациясидан, баъзида эса ривожланган қўшни ма-млакатлардан ҳам қурилган сут билан таъминланиб тур-ган. Энг муҳими шундаки, бирлашма ана шундай шакл-да иш юритишга иختисосла-шиб, бамайлихотир ишлаб-верган. Бундан ташқари, сут идишлари учун барча хом ашёни ҳам ушлардан узлуқ-сиз олиб турган. Иқтисодий алоқалар узинини биланқ, бирлашма танг аҳволга ту-шиб қолган.

Маълумки, жумҳурияти-мизда қорвачили ривожлан-маган. Шунинг учун ҳам қурилган сутга ахтиёк у ёнда турсин, ўша вақтларда ҳам Тошкент вилотининг жамоа, давлат, фермер хў-

жалиқларидан сут қабул қи-лиш режалари кўнгилдаги-дек бажарилмаган. Бу муам-моларнинг биринчи илдири қорвачилига бoриб тақала-ди. Чунки юқорида таъкид-лаб ўтилган худудларда қор-вачилиг анча ривожланган учун ҳам қурилган сутга ахтиёк турилган. Бундан ташқари уларда сут корхо-налари ўта замонавий техни-ка билан ҳам бойитилган.

қа хом ашёлар масаласи ҳа-қида хал қилинмай келин-япти. Ҳозир биргина Кува-сой заводи ишлаб чиқараёт-ган шиша идишларига кор-хонани таъминлаб турибди. Бу ҳам жуда ҳам миқдорда.

Тўғри, бирлашма «Келгу-сида» иш яхши бўлиб кетар» деган кайфиятда «хотиржам-лича берилаётган йўл. Қо-зири кунда корхонада са-завот ва бошқа мевалар ёр-

*** Ечимини кутаётган муаммолар**

СУТ-ҚАЙМОҚЛАР ҚАЧОН ҚЎПАЯДИ?

Ҳа, бугунги кунга келиб, бирлашмада кўп муаммолар вужудга келди. Шулардан бири корхонанинг қурилган сутга бўлган ахтиёки-дир. Айни пайтда Ўзебеки-стон савдо вазирлигига қа-ррашди «Мясомолторг» идо-раси чекланган миқдорда таъминлаб турган иқтисодий жиҳатдан обда туриница ёрдам беролмайди. Иккинчи-дан, Тошкент вилотининг давлат, жамоа, фермер хўжа-ликларидан амал-танал қи-либ етказиб турган таби-ий сутнинг ҳозирги кундаги аҳоли яхши эмас. Ҳатто баъзи хўжалиқлар сутнинг ҳам бир литрини бир сўм саксон тийинга беришга о-риниб, ўзлариде сут ва сут-ли маҳсулотлар ишлаб чи-қаришга зўр бермоқдалар. Учинчидан, сут идишлари учун қоғоз, целлофан ва бош-

дамида дармондориларга бой бўлган «Баҳор», «Наврўз», «Саломатлик» ичимликлари тайёрланмоқда. Бирлашмада ҳаммаюзга таниш бўлган айрон тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Аммо бирлашманинг сут корхоналари кунига 300 тоннагача сут қабул қилиб, ундан турли сутли маҳсулот-лар ишлаб чиқариш қуввати-га эга. Уларни сут билан таъминлаш масаласи ҳануз-гача хал қилинмай келина-ётир.

Халққа бизнинг муаммо-ларимиз эмас, сут ва сут-ли маҳсулотлар керак, — дейди бош директор. — Шунинг учун барча имкони-ятларимизни ишга солишга ҳаракат қилишимиз. Аммо хом ашё тақчилликларини бизни тў-ла қувват билан ишлашга қўймапти. Агар шулар ннга

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР МАЖМУАСИ

УТГАН йили таниқ-ли адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматов раҳбарлиги-да бир гуруҳ олимлар ва услуботлар томони-дан умумтаълим мак-табларининг 5—11-синф ўқувчилари учун ўзбек адабиёти фани бўйича янги дас-тур лойиҳаси яратил-ган эди. Мазкур ҳуж-жат республика Халқ таълими вазирлиги қо-шидаги халқ таълими кенгашида маъқулла-нган, республика ўқув-услублёт маркази кит-обчида шаклида 500 нусхада нашр этириб, вилот, район ва ша-ҳар халқ таълими бў-лимларига тарқатди. Лойиҳа шунингдек «Маърифат» рўзнома-си саҳифаларида кенг муҳокама қилиниб, и-ҳоят шу йил март ойи-да илмий кенгашда қа-бул қилинди.

Ҳозирги кунда дас-тур асосида янги дарс-ликлар мажмуаси яра-тишга киришляпти. «Ўқитувчи» нашриети-да келгуси ўқув йили бошлангунча 10 минг нусхада дарслик чоп этиш мўлжалланмоқда.

Собир МУЗОРБОВ.

ЁШЛАР

ОЛДИНДА БОРИШМОҚДА

«НАВРЎЗ—92» фестивалини очиб аънабига кўра аввали талов голиб томондан амалга оширилди. Ушбу ҳуқуқ бу йил, «Наврўз—90» таловининг голиби, токи-нистонлик ёшлар ижодий жамоаси — «Ахорун» театрига насиб этди. У бу сафар Ҳамза театри биносида «Йўқолган Юсуф Хононга қайтди» спектакли билан ўзига хос театр байрамини бошлаб берди.

Ушбу театр ҳали жуда ҳам ёш. Уша пайтда театрининг бадий раҳбари Тожикистонда кизмат кўрсатган артист Ф. Қосимов ва жамоада тажриба ёшлар театрини «Ахо-рун» деб номлаш фикри туғилди. «Ахорун» кўнча сўд-лар тилида «худолар шаҳри» маъносини беради. Қадимий Душанбе шаҳридан сал нарида шу номда аталувчи шаҳар қолдиқлари ҳам — «Йўқолган Юсуф» томошасини са-ҳнага қўйган Ф. Қосимов (унинг ўзи пьеса муаллифи) Юсуф, Ҳофиз азалларидан фойдаланиб, қайтадан ҳикоя қилди берди. Спектаклдан ўтган таловда энг катта муко-фот — «Гран-при» сазовор бўлган эди. Ушбу томоша инсонийлик, меҳр-шарфат, садоқат ҳақидаги алангани кў-шинди.

Ҳамза театри биносида томошабинлар ва фестиваль қатнашчилари Туркман давлат ёшлар тажриба театрининг конкурсага тасниб қилган «Дали-Думбул» спектаклини то-моша қилдилар. Томошага қадимги ўзбў халқ-чилининг доно Қўрқут ота ҳақидаги достони асос қилиб олинган. Ровий — бахши — айтувчилар ушбу до-стон ҳақида ҳикоя қилдилар, кейин тейтақ Дали ҳақидаги ўзига хос ҳикоя-томоша бошланди. Дали Думбул сувеза ариқка кўприк қуради. Ўтгандан ҳам, кетгандан ҳам бу-нинг учун зўриқ билан ҳам олади. Фақатгина Думбул-нинг хотини Нозил Чечак уни бу йўлдан қайтара олади. Томошалар қизинг давом этмоқда. Яна бир неча кун-дан кейин талов голиб маълум бўлади.

Тоҳир ЙҮЛДОШЕВ.

МАҲАЛЛАЛАР БИРЛАШДИ

ШУ ВАҚТГАЧА катта бир дехқонлик икки томонда: у ёнда Калинин районида ва Анвал Икромов районида ўзаро тугув ва бир хил номли «Катта қазин» маҳаллалари бор эди. Яқин-да кўпчилик аҳоли исгаги билан Калинин районидан маҳалла Тошкент шаҳри худудига ўтди. Ва А. Икромов районида 25-сонли, аҳолиси беш миңг кишига яқин йирик «Катта қазин» маҳалласи барпо бўлди. Анвал Икромов район маҳаллалар илмий мувофиқлаштириш комитетининг раиси Саидрахмон Мирзев ҳамда иккала маҳалланинг фаоллари иштирокда янги маҳалла комитетининг раси энг Тошкент Давлат чет тиллар олий билимгоҳининг доценти Қобил Қодиров сайланди. Шунингдек, 17 кишидан иборат маҳалла фаоллари ҳам сайланди. Маҳалла фаоллари ва аҳли келгусида оталар чойхо-наси, озик-овқат дўкони, аёллар учун бичиш-тигиш кичик корхонаси, болалар бoғчаси ва маънавий кўмпликсидан иборат янги маҳалла марказини барпо этишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар.

Дамир ИСЛОМОВ.

БИР ЮЗ ЎТТИЗ ХИЛДА

«СОВПАСТАТАЛ» кўш-бу борадаги ивланишларини давом эттириб гуллар даста-си, яъни дизайнерлик усули-маҳсулотларининг тури 130 хилдан ошди. Улар турли ҳангидан ва сериялар ўйин-чоқлар бўлиб, харидорлар ди-лти мо тўшмоқда.

Корхона мутасаддилари Гулн АБДУЛЛАЕВА.

* Мусаввир муқоламини сехри

ТАБИАТНИНГ ИЛИҚ ТАФТИ

ЭРТА кўклам кезлари дала айланган, унинг илқ илқ тафтини ҳис қилган киши ҳар йили баҳорни дала ва боғларда кутиб олишни ороу қилади...

Тондан бери кўк юзюнда сувиб юрган беғубор, оппоқ момиқ булутлар енгил шабададан тарқалган, қуёш мўрадади. Атроф ёлғиз, ранглар классисига қўйилди. Хали ҳайдаб улгурилмаган ернинг юзаси кўм-кўк ўт-ўланга бурнланган. Чучмома, лоданигағалдоқларнинг лаб очай деб турган гўнчалари чексиз ялангликка ўзгача тароват бахш этган. Ариқ

бўйида эса ялпизларнинг сарв юматли туллари шабадада тебранади. хушбўй таратади. Уларнинг суз бетиди акси жимирлайди. Энди курган чиқарган да рахтларнинг новдалари етилганлигидан ишш урилиб қолган. Ҳайдалган ерни айтамайсизми, қиш билан ёмғир ва қорни тўйиб смирманган. Оёқ боссанг тизангача боғтиб кетасан киши, нақ «бўрсиллаб» турибди...

Хув ана, сўқмоқ йўлдан аста-секин одимлаб бир ёшунга йитиб келмонда. У ҳаёлга чўмган, рассом бўлса керак, елкасига сураг чизиш

анжомини осиб олган. Балки, табиат тасвирларини ақс эттиришни эҳтидага маъшқ қилаётган умидли ҳаваскорлардандир? Ким бўлишдан қатъи назар, ана шу гўзал фасл, беғубор гўзаллик унинг бефарқ қолдирмаганлиги аён! У бир зум тўхтаб, атрофга разам солади, қушлар чўгуринга қўлоқ тутиди. Кафти билан қисқ қўзларини қўшининг ўткир нуридан пана қилиб, сув бўйидаги катта-катта тоғларга узоқ тикилиб қолди. Дарахтларнинг сув юзюдаги аксининг жилваланиши, ўт-ўланлар, ҳайдалган ер, узоқ-узоқларда оппоқ тутун чиқариб турароқ ағдарётган ўтомочлар маъқул бўлди чоғи, расм чиза бошлади...

Ердан енгил буг қўтарилмоқда, шудгор қизилган, айни уруғ қадайдиган пайт. Мўл хосилга замин ҳовирланади бу кунларда! Айниқса элни тўйдирадиган бободоқларнинг қўли-қўлига тегмайдинган пайла. Ҳа, Она. Замин тафти бутун борлиқни, жонзоти ўзининг қайноқ, меҳрли, муруватли нафаси бирла туркиратиб яшнатмоқда!

Баҳор кезларида дала, боғларни, қир-адирларни айланб, ҳориб-чарчаб қайлар экансиз, қалбингиз олам-олам завққа тўлганини, кайфиятигиз кўтарилиб, иш-лаш қобилиятигиз ошганини ҳис қиласиз. Бу Она табиатнинг илқ аралатувчи тафтини беғубор қалб ҳарорати ила чўқур англаганингизнинг натижаси эканлигини ўйлаб қувонасиз. Эртага, албатта янги куч, кўтаринки кайфият билан мустақил ўзбекистонимизнинг турли соҳалардаги муаммоларини ечиш борасидаги сайи-ҳаракатларга ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни қўйиш иштиёқида маҳкам бел боғлаб, енг шимариб жонбозлик кўрсатишингиз шубҳасиз!



Еш мусаввир яратётган рангтавсир яхши чиқадими, йўқми? Айтиш қийин, аммо узоқлардан уни ана шу ерга, гўзал табиат кучюғига етаклаб келган ички бир тугён ителиш сезилиб турибди. Худди ана шуни қувончли ҳамда эътиборга сазовордир. Инсон ким бўлмасин — рассомми, шонрини, деҳқонми, ишчимни, шифокорни, баҳордан, Наврўздан руҳлана олдимни, бошқалар сезмаган туйғуни туйдими у жуда-жуда кўп нарсаларга қодир, имкониятлари чексиз...

Еш болаларнинг томоғи эса кўрсаткич бармоққа пахта ўраб, уни аралашмага хўллаган ҳолда кунига икки марта эҳтиётлик билан муолажа қилинади. Шунингдек мойчечак (ромашка), маврақ каби шифобахш усимликлардан тайёрланган қайнатма бурдан нафаё олиш (ингалиция) фойдалидир. Бунда қайнаб турган чойнакка бир ош қошиғида ромашка солинади, сўнгра қозондан қарнайча қилиб нафас олинади ва бурун орқали чиқарилади.

Нафас йўллари шамоллаганда томоғ ва бурун қуриши рўй берса, бурунга зайтун, цитрал, ўрик, наъматак каби усимлик мойлари томизалиб, бурун орқали томоққа туширилади. Дори томизилгандан сўнг 5—10 дақиқа чалчанга ётиш керак. Шунда мой томоғ девор-

БАҲОР фасли бошланиши билан нафас йўллари ўткир яллиғланиши — грипп, фарингит, ларингит, пневмония, ревматизм, пиедонейрит каби касалликларнинг қўзғолиши табиий ҳол ҳисобланади. Чунки организм ёз ва куз фаслларида «ғамлаб» олган дармондориларни, турли аминокислоталарни қиш фаслида «сарфлаб» бўлади. Натижада организмнинг иммуно-биологик кучи камаяди. Бу эса турли вируслар, инфекциялар кўпайишига қўлайлик яратиб, организмда касалликларни қўзғатади.

Нафас йўллари ўткир яллиғланиши турларидан бири фарингит (томоғ орқа деворларининг шиллиқ пардаси яллиғланишида томоғ қичириб, қуруқчиб қирилади, ютинганда эса оғриқ пайдо бўлиб, ҳарорат кўтарилади).

Овоз пардасининг ҳамда ёнлариди туркималарнинг яллиғланиши ларингит дейилиб, бунда овоз йўналиши йўғонлашади. Овоз йўлларининг торайиши натижасида овоз бўғилади. Йўталганда чийиллаб овоз чиқади. Бунга қадимда «каптарак» деб айтганлар. Уткир ларингит ва фарингит гриппнинг бошланишида кўзгадиб, вируслар соғлом танага тушгандан сўнг касаллик аломатлари пайдо бўлгунча 1—3 кун ўтади. Хасталик тўсатдан хуруж қилиб, аввал тана ҳарорати 39—40 даражага кўтарилади. Бемор бош оғриғи, кўз қосасининг зирқираши, буруннинг қотиб қиचishi, тез-тез ака уриши, томоғ қичиши, совуқ қотиши, титраши, иштаҳа йўқолганидан шикоят қилади. Бел ва бўғимлар ҳам зирқираб оғрийдди. Грипп бошлангандаёқ ўринда ётиш, касаллик асоратларининг олдини олиш, ва қандай овқатлар истеъмол қилиш бўйича шифокордан ёрдам сўраш лозим. Даволангандан сўнг икки ҳафта ичнда ҳарорат тушиб, йўтал ва ака уриш тўхтаган бўлса-да, овоз хириллаб бурундан нафас олиш қийин кўчса, ана шифокорга мурожаат қилиш лозим. Чунки касалликнинг бундай кечishi бошқаларни, масалан, пневмония, пиедонейрит, юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Нафас йўллари яллиғланган кишилар совуқ таомлар, тузланган, ўткир, ачиқ зираворларни истеъмол қилишдан тийилишлари керак. Томоғда пайдо бўлган нохушликни йўқотиш, балгам кўчириши енгиллатиш учун бир стакан сувга ярим чой қошиқча истеъмол содаси ва икки тоғчи 5 фозли йод аралаштириб, кунига 3—4 маҳал чайиш лозим.

«Илқ узилди» кезларида

НОЗ-НЕЪМАТ МУОЛАЖАСИ

ларига яхши таралади. Грипп бошланган дастлабки кунларда 3—5 литр иссиқ сува бир ош қошиқда горчица кукунли солиб оёқча ванна қилиш, томоғқа йешиқ компресслар — иссиқ сутга ярим чой қошиқда сариёб қўшиб ичиш, тоза пахтали ароқ ёки иссиқ сува хўлаб пектин моддаси босиш, усидан целлофан қозоғ ва дока билан боғлаб қўйиш, уни ҳар 3—4 соатда алмаштириб туриш фойда беради.

Уткир ларингит билан болалар кўп оғрийдди. Бунда болани зуддик билан шифокорга олиб бориш керак. Чунки бу, касаллик баъзи ҳолларда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Боланинг нафас йўллари тор бўлиб, у сал яллиғланиши билан ҳаво йўллари тўсилиб қолади.

Нафас яллиғланиши касалликларининг вируслари тез юқади. Бемор йўталганда ва аксирганда вируслар ташқарига чиқиб, бир неча соат, ҳатто бир неча кун ятайди. Бунинг олдини олиш учун қадимги табобат усулларидан бири — исириндан фойдаланиш керак. Исирин таркибиде фитонцид моддалари бўлиб,

Сўз тагида сўз бор

ТАНДИРДАН янги узилган бино» маъноларини англаётганининг ёқимли иси диморни қитқилайди. Киши руҳини енгиллаштириб, кайфиятини чоғ қиладиган бу ажиб ҳиднинг манбаи бўлиши фурқурол моддаси айни нон ёпиш вақтида ҳосил бўлади.

Бу моддани дарахт қипигини сульфат кислотаси ёрдамида қайта ишлаш йўли билан ҳам олиш мумкин. Шу боисдан лотинча «Фурфурол» лотинча «Қипикдан олинан ёғ» деган маънони ифода қилади.

КУТУБХОНАЛАР тарихи, одатда қадимги Юнонistonдан бошланади. Нарсиламбирини айтганда, ҳозирги рус тилидаги «библиотека» сўзи ҳам Юнонistonдан келиб чиққан бўлиб, «Китоблар маъмузи», «Китоблар сақланадиган

ҚАДИМГИ Рим кутубхоналарининг қизиқарли хусусиятларидан бири уларнинг ихтисослаштирилганлиги эди. Чунки, битта кутубхонада лотин тилидаги адабиётлар сақланса, иккинчисиде — грамматикага оид китоблар, учинчисиде — матога ёзилган нобб қўләмалар, фил суягига битилган китоблар сақланарди. Бундай кутубхоналарга, одатда «прокураторлар» деб аталадиган машҳур олимлар ёки ёзувчилар мудирлик қилган («прокуратор» — аслида лотинча сўз бўлиб, қадимги Римда ҳўжалик бошқарувчиси, суд вакили, солиқ йиғувчи амалдор маъноларини ҳам билдирган).

Ақбар АЛИЕВ тайёрланган.

* Боланинг тили ширин

ТЕЛЕВИЗОР томоша қилиб ўтириб бирдан эчкини кўриб қолган Жасурбек шовиб деди: — Ана, ана йўлларнинг бобоси.

ЙУҚОЛИБ ҚОЛДИМ

КУЧАДАН ҳиқиллаб йиллаб кириб келган Жасурбекдан онаси сўради: — Нима бўлди кўзючоғим, нега йиғляпсан? — Болалар билан ширинимачоқ ўйнаётганим... — Хўш-хўш! — Мени гапим келганда ўзим йўқолиб қолдим.

УЙНАМОҚЧИДИМ

ДЕРАЗАДАН ёмғирни кузатиб зериқкан Жасурбек онасидан сўради: — Ойи, осмон қачон сув сепаб бўлади-а, кўчага чиқиб ўйнамоқчийдим.

МЕН БОРМАН

ЖАСУРБЕК қўлидаги митти ойначани онасига узатаркан қиқирлаб қолди: — Қаранг, қаранг ойи, ичиде мен борман.

САЛОҲИДДИН СИРОҲИДДИНОВ.

АНВАРЖОННИНГ ТОЙЧОҒИ

АНВАРЖОН туш кўраётиб уйғониб кетди. — Ойи, ҳозир мен минган тойчоқ жудаям чиройли экан-а! — деди курган тушини хотирлаб. — Вой, ўғлимей, тойчоқни сен кўрибсан, мен уни қайдан билмай! — Вой, ойи, сиз шундоқ ёнимда турувдигингиз-ку...

ПАТИР

ОТА уйига келган меҳмонга «Ҳамир учидан патир» дея бир қозонни узатди. — Ота, ўша киши қозонни патир деб ўйладими, индамай қиқиб кетди-я! — деди тўрт яшар Жақонғир ҳайрон бўлиб. Собит ҒАФУРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБРАДАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ


- 1/IV да — Флориа Тоска.
 - 2/IV да — Икки дил достони.
 - 3/IV да — Аида.
 - 4/IV да — Уйқудаги гўзал.
 - 5/IV да — Фигаронинг тўйи (12.00), Севги тумори (19.00).
 - 7/IV да — Балет оқшоми.
 - 8/IV да — Раймонда.
 - 9/IV да — Масхарабозлар.
 - 10/IV да — Оққуш қўли.
 - 11/IV да — Севилья сартароши.
 - 12/IV да — Этик кийган мушук (12.00), Дон Кихот (19.00).
 - 14/IV да — Иоланта.
 - 15/IV да — Жизель.
 - 16/IV да — Майсаранинг иши.
 - 17/IV да — Боғчасарой фаввораси.
 - 18/IV да — Риголетто.
 - 19/IV да — Чиполлетто (12.00), Бал-маскарад (19.00).
 - 21/IV да — Отелло.
 - 22/IV да — Тоҳир ва Зухра.
 - 23/IV да — Жизель.
 - 24/IV да — Тўмарис.
 - 25/IV да — Кармен.
 - 26/IV да — Оловиддиннинг сехри чироғи (12.00), Дунёнинг яратилиши (19.00).
 - 28/IV да — Алишер Навоий.
 - 29/IV да — Икки дил достони.
 - 30/IV да — Фауст.
- Кундузги спектакллар соат 12.00 да, кечкилари 19.00 да бошланади.

Билетлар театр кассасида эрталаб соат 10 дан бошлаб соғилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

- 1/IV да — Юсуф ва Зулайхо.
 - 2/IV да — Паранжи сирлари.
 - 3/IV да — Қуёвлар конкурси.
 - 5/IV да — Катта концерт.
 - 8/IV да — Давлат болалари.
 - 9/IV да — Менинг оппоқ кабутарларим.
 - 10/IV да — Анқовлар чайқови.
 - 11/IV да — Катта концерт.
 - 12/IV да — Катта концерт.
 - 13/IV да — Ака-ука совчилар.
 - 15/IV да — Кампир кетармиш.
 - 16/IV да — Паранжи сирлари.
 - 17/IV да — Қуёвлар конкурси.
 - 18/IV да — Юсуф ва Зулайхо.
 - 19/IV да — Катта концерт.
 - 20/IV да — Катта концерт.
 - 22/IV да — Менинг оппоқ кабутарларим.
 - 23/IV да — Анқовлар чайқови.
 - 24/IV да — Давлат болалари.
 - 25/IV да — Катта концерт.
 - 26/IV да — Катта концерт.
 - 27/IV да — Давлат болалари.
 - 29/IV да — Муҳаббат навоси.
 - 30/IV да — Ака-ука совчилар.
- ТОМОШАЛАР СОАТ 18.30 ДА БОШЛАНАДИ.



33-29-33 — Солиқ ҒАБУРОВ, муҳаррир ўринбосари
33-57-02 — Раҳматулла ФАҲРУЛЛАЕВ, масъул котиб
32-55-21 — Марғуба АҚРОМОВА, масъул котиб ўринбосари

- БЎЛИМЛАР
- Ижтимоий-сиёсий муаммолар
 - 32-54-34 — Муҳиддин БОЗОРОВ, муҳбир
 - 32-53-66 — Худойназар ҒОЙИБОВ, муҳбир
 - Иқтисодий ва ҳаёт
 - 32-57-84 — Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, муҳбир
 - 32-54-34 — Гулзода МАМБЕТОВА, муҳбир
 - 32-54-34 — Гулом ЮСУПОВ, муҳбир
 - Фан, маданият ва ахлоқ
 - 32-54-19 — Саъдулла ШОДИЕВ, муҳбир
 - 32-55-52 — Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ, муҳбир
 - 32-55-52 — Исмомил ЗОИРОВ, муҳбир
 - Адабиёт ва санъат
 - 32-53-10 — Темур УБАЙДУЛЛАЕВ, муҳбир
 - 32-58-85 — Илхом ЙУЛДОШЕВ, муҳбир
 - Ахборот
 - 32-53-66 — Дилшод ИСРОИЛОВ, муҳбир
 - Хатлар
 - 32-29-70 — Зухра АЪЗАМХУЖАЕВА, муҳбир
 - Эълонлар
 - 33-81-42, 32-57-27
 - Шошилинч эълонлар хизмати
 - 33-08-57.

* Спорт

Нотаниш ўйинга қизиқиш

ШАҲРИМИЗНИНГ Киров районида спортнинг дарвс тури бўйича баҳор ва янги-ланги байрамга бағишланган мусобақалар ўтказилди.

«Тошкент — спорт — инфор» фирмаси ҳамда «Буревестник» спорт мажмуасининг маъмурияти томонидан ташкил этилган ушбу турнирда барча ҳодловчилар қатнашди. Беллашуларнинг Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган эса унга ўзгача фойда ва шукўх бахш этди. Умуман, ушбу байрамнинг маъноси ишонга отишдан иборат содда ва қизиқарли дарвс ўйини Узбекистонга яқинда кириб келганда ўз рақиб — «Буревестник»га сабабли кўпгина спорт иштибозлари учун ҳали нотаниш. Шу сабабдан мусобақа қатнашчиларнинг деворлар барчаси бу ўйин қондалари билан илк бор танишишди. Ва бир оз машғулот ўтказган ўз кўчларини турник беллашуларда синиб кўришди.

— Наязачаларни олиб уч-тўрт марта нишонга иргитганидан сўнг бу ўйиннинг на-қадар қизиқарли ва эҳтирос-га бой эканлигига ишонч ҳо-сил қиласан, — дейди Али-шер Тожиёв.

Алишер финалгача етиб келди, лекин ҳал қилувчи баҳсда ўз рақиб — «Буревестник»га сабабли кўпгина хизматчиси Игорь Котовга юрқазиб қўйди. Қизлар ўрта-сида эса мактаб ўқувчиси Ольга Полякова галаба қозонди.

Мусобақалар ҳалқимизнинг янги спорт турига қатта қизиқиш билан ёндашётганини кўрсатди.

— Турникнинг кўпгина қатнашчилари ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланиш истагини билдирганликлари сабабли яқин кунларда дарвс секцияларини очилиши режа-лаштирилган, — дейди спорт-мажмуининг директори Рус-там Ҳакимов.

Леонид ВАСИЛЬЕВ.

Ислом Ғафорович САТТОРОВ

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтиномаси бosh муҳаррирининг ўринбосари, Улуу Ватан уруши қатнашчи-си, истеъфодаги генерал майор Ислом Ғафорович Сатторов узок давом этган оғир хасталиқидан сўнг вафот этди.

Ислом Ғафорович Сатторов 1924 йили Самарқандда, аравақас оиласида туғилди. 1943 йил майдан бошлаб Ва-тан ҳимоясига отланди. Ҳар-бий-назарий курсларни битир-ган, 1944 йилдан зобитлик по-ғонасига кўтарилди.

Урушдан кейинги йилларда у Узбекистон Ички ишлар ва-зирлиги соҳасида иш фаоли-я-тини давом эттирди. 70-йил-ларда эса Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг бо-шлиги лавозимига ишлади.

43 йил мобайнида Курроли Кучлар ва Ички ишлар вази-рлиги соҳасида хизмат қилиб нафақага чиққандан сўнг Ис-лом Ғафорович Сатторов журналист сифатида нашриёт-матбаа ишларида фаол хиз-мат қилди.

Унинг фидокорона қилган хизматлари муносиб тақдир-ланди. У Ленин ордени, Ки-зил Юлдуз ордени ва қатор медаллар билан мукофотлан-ган эди.

Ажойиб инсон, жангчи-жур-налист Ислом Ғафорович Сатторовнинг порлоқ хотира-си қалбларимизда менгу сақ-ланади.

Бир гуруҳ ўртоқларин.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва ақшанбадан таъқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш мақсаплари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 32-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун навобгарлик уларни берган таъминлот ва шахслар зиммасидадир.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзмонаси кўчаси, 41.